

Узоқдаги масжид

09:25 / 23.02.2018 4296

Савол:

Ассалому алайкум! Дўстим истиқомат қиладигон ҳовлидан битта кўча нарида фақат беш вақт намоз ўқиладиган масжид бор экан. У масжиддан таҳминан беш, ўн дақиқа масофалик йўл нарида жоме масжид бор экан. Дўстим шу яқинроқдаги масжид қолиб узоқроқдаги жоме масжидида беш вақт намозларни ўқийди. Бунга сабаб жамоат жоме масжидда яқинроқдаги масжидга қараганда анча кўп экан. Лекин бир ака дўстимга яқиндаги масжидни босиб ўтиб у масжидга боришини макруҳ дебди. Сиз азиз устозлардан дўстим шу ҳақида сўраб беринг деди. Аллоҳ ҳаммамизда рози бўлсин амийн.

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Агар яқинидаги масжид имомининг қироати тўғри бўлса, ўшанга борилади. Ўша одам тўғри айтибди. Валлоҳу аълам!